

АНАЛИТИК ЖАРАЁНЛАРДА МЕТРОЛОГИК ИШЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф. Х. Исмаилова, Г.Э. Болтабоева

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: метрология (юнонча “metron”-ўлчов ва “logos” таълимот)-ўлчовлар, уларнинг бир хиллигини таъминлаш усуллари ва воситалар, ҳамда талаб этилган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан. Замонавий жамиятда метрология фан ва амалиёт соҳасидаги фаолият сифатида катта роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида метрологиянинг ривожланишига Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни (28.12.1993 N 1004-XII) асос бўлди. Дори воситалари сифатни таъминлаш комплекс масала бўлиб, у дори воситасини ишлаб чиқариш жараёнлари, жумладан хоналар, ходимлар, ҳужжатлар, жараёнлар, бирламчи, ярим тайёр маҳсулотлар, дори субстанциялари ва тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш кабиларни ўз ичига олади. Аналитик жараёнлар ишончли ва аниқ таҳлил натижаларини кафолатлаши учун уларни валидациялаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир услуб бошқа услуга нисбатан афзаллиги тўғрисида унинг қўлланилишини қиёсий натижалар кўринишида асосланиши зарур. Бунда бир қатор метрологик параметрларни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўлчов маълумотлари сифат тизимини тадбиқ этилаётганда, тадқиқот ишлари ва бошқаларда маҳсулот сифати ҳақида қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади, фақат ишончли, аниқ ва тўғри натижалар тўғри қарор қабул қилишни таъминлайди. Нотўғри маълумотлар эса маҳсулот сифати тушишига, ёмон оқибатларга сабаб бўлади.

Усуллар: мақсадга эришиш учун А, В дори воситалари намуналари меъёрий ҳужжат лойиҳаларида келтирилган «Микдорий таҳлил», «Эриш», «Дозаларнинг бир хиллиги» кўрсаткичлари бўйича таҳлили натижалари «Кимёвий таҳлил натижаларини математик баҳолаш» усули билан баҳоланди. Бунда ўртача арифметик қиймат, дисперсия, стандарт четга чиқиш, ишончлилик оралиғи, ишончлилик оралиғи катталигининг ярим қиймати, ишончлилик оралиғи катталигининг ўртача ярим қиймати, аниқлашдаги нисбий хатолик, ўртача нисбий хатолик, ишончлилик оралиғи каби кўрсаткичлар аниқланди.

Натижалар: олинган натижалар тегишли корхоналар томонидан тақдим этилган маълумотлардан фарқ қилади, стандартлаш жараёнларида аналитик жараёнлар тўғри метрологик баҳоланмаган. Олиб борилган таҳлиллар сони ўлчовларнинг аниқлик даражасини таъминламайди. Таҳлил натижалари меъёрий ҳужжатларда келтирилган меъёрлар оралиғида бўлишига қарамай уларнинг сифати кафолатланмаган, яъни «ёлғон сифат»га эга.

Хулосалар: дори воситалари сифатини бошқариш тизимини ташкил қилиш, дори воситалари сифатини таъминлаш мақсадида аналитик жараёнларни метрологик баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.